

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН

МАЖЛИС БАЁННИ

2021 йил “ ” декабр

Тошкент шаҳри

| | |
|-----------------|---|
| Таклиф килинди: | Тошкент Давлат Юридик Университети “Конституциявий ҳуқуқ” кафедраси ўқувчиси Ж.З.Қудратиллаев Юнусобод тумани 313-мактаб тарғиботчиси П.Худойберганов |
| Қатнашчилар : | “Юнусобод деҳқон бозори” АЖ маънавий ва маърифий ишлар бўйича инспектори М.С.Асатова |
| | Жамият ҳудудида фаолият юритувчи сотувчи-тадбиркорлар 25 киши |

КУН ТАРТИБИ:

“КОНСТИТУЦИЯ БОШ ҚОМУСИМИЗ” мавзусида

Мажлисни жамият маърифий ва маънавий ишлар бўйича инспектори М.С.Асатова очик деб эълон қилиб, мажлис қатнашчиларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29 йиллиги муносабати билан қатнашчиларни табриклади ва таклиф қилинганларни таништириб, П.Худойберганов сўз берди. Мажлис қатнашчиларни байрам билан табриклар ўз қаламларига мансуб шеърларни ўқиб бердилар. Кейин сўз навбатини Ж.З.Қудратиллаевга берилди. У сўзида Бугунги тантанали мажлисимизнинг мақсад-муддаоси ҳаётимиз комуси бўлмиш Конституциямизнинг 29 йиллигини нишонлаш, Асосий қонунимиз белгилаб берган юксак мақсадларни амалга оширишда, юртимизда янги жамият, янги ҳаёт қуришда эришган ютуқларимиз ва олдимизда турган вазифаларни аниқлаб олишдан иборатдир. Ҳақиқатан ҳам, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз Ўзбекистон тарихида, узоқ, давомли мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб беришда ўзининг пухта ўйланган тамойил ва қоидалари билан ишончли ва ҳал қилувчи омил бўлади, деб таъкидлашга барча-барча асосларимиз бор. Конституция алоҳида юридик хусусиятларга эга бўлган сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг асосий принциплари ўрнатилди, давлат ҳокимиятининг тузилиши, субъектлари, ҳокимиятни амалга ошириш механизмини белгилайди, жамият инсон ва фуқаронинг давлат томонидан қўриқланадиган ҳуқуқлари мустаҳкамланади. Конституция ўз моҳияти ва юридик табиатига кўра бошқа ҳуқуқий актлардан қуйдаги муҳим жихатлари билан фарқ қилади деб сўзини яқунлади. Барча қатнашчиларни байрам билан табриклар сотувчи ва тадбиркорларни талаб ва истаклардан келиб чиққан ҳолда турли мавзуларда йиғилишлар ўтказиш мумкинлигини айтиб, йиғилиш қатнашчиларининг саволларига жавоб берди.

Кун тартибида масала юзасидан йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ишчи-ҳодимлар орасида Конституция ўрганиш ишлари давом эттирилсин.
2. Мажлисида қатнаша олмаган сотувчи ва тадбиркорларга етказиб қўйилсин.

Мажлис котиби



М.С.Асатова

